

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МАЛЬКОВ АНТОНИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ СПОРТИ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШГА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИЛГАН
ЁНДАШУВ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мальков Антоний Владимирович

Академик эшкак эшиш спорти билан
шуғулланувчиларнинг овқатланишини
ташқиллаштиришга индивидуаллаштирилган ёндашув..... 3

Мальков Антоний Владимирович

Разработка индивидуализированного подхода
к организации питания гребцов-академистов..... 29

Malkov Antony Vladimirovich

The individualized approach to organizing the
nutrition of academic rowers..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МАЛЬКОВ АНТОНИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ СПОРТИ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШINI
ТАШКИЛЛАШТИРИШГА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИЛГАН
ЁНДАШУВ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2595 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Махмудов Дилшодбек Эргашбекович тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Солиев Аъзамжон Баходирович биология фанлари доктори, доцент Худайберганов Анатолий Сагатбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027 Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. Тел.: +998712415245, факс: 71 2413093, e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100027 Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй, тел: +998712415245, факс: 71 2413093).

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2024 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Мавлянов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.М.Рахимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, биология фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А.Хаджиметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, биология фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда спортчиларнинг жисмоний кўрсаткичларини ортиқча вазн олмасдан ошириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, бу муаммо, академик эшкак эшиш каби циклик спорт турлари учун долзарбдир, чунки бу спорт турида натижа тўғридан-тўғри спортчиларнинг тана вазнига боғлиқ. Спортчиларнинг калория миқдори ва макронутриент таркиби бўйича индивидуаллаштирилган озиқ-овқат билан таъминлаш ва фақат тана еғсиз вазнини ошириш ҳар доим қийин вазифа бўлиб келган. Бу аввало, овқатланиш рационининг калория миқдорини ҳисоблаш қийинлиги сабабли ҳамдир. Аммо метаболограф каби замонавий портатив ускуналарнинг пайдо бўлиши турли хил фаолиятларда энергия сарфини ўрганишда дунё олимлари учун янги имкониятларни очади. Дала шароитларида энергия сарфини ўрганиш олимлар учун устувор йўналишдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги «...спорт минг йиллик декларацияда шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшади ва турғун ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади...»¹ деб белгиланган. Дунёдаги турли олимларнинг таъкидлашича, метаболографларни кундалик фойдаланишга жорий қилиш қиммат бўлганлиги сабабли, энергия сарфини мониторинг қилиш учун ақлли соатлар каби арзонроқ усулларни излаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда озиқ-овқатнинг макронутриент таркибини генетик мойилликка қараб индивидуаллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли хил генетик профилга эга одамлар макроэлементларни истеъмол қилишга турлича муносабатда бўлишади. SNP ўрганишлари одам генетикаси унинг липидлар ва углеводларни метаболизация қилиш ва улардан фойдаланиш қобилиятига қандай таъсир қилиши мумкинлигини аниқлайди ва соғлиқ натижаларини оптималлаштирадиган индивидуаллаштирилган парҳез кўрсатмаларига сабаб бўлиши мумкин. Тана вазнини назорат қилиш заруратига асосланиб, маълум овқатланиш турларига мойиллик учун жавоб берадиган генлар- ADRB2, PPARG2, FABP2 ни ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини нафақат лаборатория маълумотлари бўйича, балки мувозанатли овқатланиш фони динамикасида спортчиларнинг антропометрик кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича индивидуал баҳолаш усулларини излаш керак. Шу жиҳатдан олганда бир овқатланиш турига мойилликни баҳолашни қўшимча харажатларсиз амалга оширишда ёрдам берадиган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштириш ва соғлиқни сақлашни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар спорт тиббиёти соҳасини ҳам четлаб

¹Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси «...спорт минг йиллик декларацияда шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшади ва турғун ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади...» 2010 йил 22 сентябр

ўтаётгани йўқ. Хурматли президент Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 20 сентябр куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаласига бағишланган йиғилишда мазкур соҳадаги асосий йўналишларни белгилаб бердилар: "...фақатгина спортдаги юқори муваффақиятлар билан чекланиб қолмай, балки оммавий спортга ҳам катта эътибор қаратишимиз керак..."². Шу сабабли, нафақат элит спортчиларнинг, балки ҳаваскор спортчиларнинг ҳам овқатланишини индивидуаллаштиришга имкон берадиган ечимларни топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 5 ноябрдаги ПКҚ-5281-сон «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналиши VI. "Тиббиёт ва фармакология"га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда генетик ўзгаришлар ва озиқ-овқат истеъмоли ўртасидаги боғлиқлик эпидемиологик ва интервенцион тадқиқотлар орқали жадал ўрганилмоқда (Alsulami S, et al. 2020; Wuni R, et al. 2022). Сўнгги нашрлар шуни кўрсатадики, асосий макроэлементлар орасида углеводлар овқатланиш ва генетика ўртасидаги кесилганининг марказига айланди, чунки уларнинг инсон организмидаги метаболизми энергия ишлаб чиқаришда, хужайра функциясида ва касалликларга сезувчанликда муҳим рол ўйнайди (Vyas S, 2022). Углеводларнинг энергия манбаи сифатида асосий аҳамияти кенг эътироф этилган бўлса-да, углеводларни истеъмол қилиш, генетик таркиби ва соғлиқ ўртасидаги боғлиқлик яқин йилларда нутригеномика нуқтаи назаридан ёритила бошланди (Phillips SM, 2013; Vimalleswaran KS, 2020).

Янги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озуқавий липидлар ген экспрессиясини модуляция қилиш ва метаболик йўлларга таъсир қилиш учун сигнал молекулалари вазифасини бажариши мумкин. Масалан, Omega-3 ва Omega-6 ёғ кислоталари яллиғланиш, липид оксидланиши ва инсулин сезувчанлигида иштирок этадиган генларнинг ифодасини тартибга солиши кўрсатилган (Simopoulos AP, 2008).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 20 сентябр куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаласи бўйича йиғилиши.

Адабиётларнинг аксарияти генетика инсоннинг ноқулай муҳит таъсирида семиришга мойиллигини аниқлашга, шунингдек, парҳез ва жисмоний машқлар билан қандай муносабатда бўлиши мумкинлигини тавсифлашга бағишланган (Doo M, Kim Y, 2015). Масалан, бундай ассоциацияларнинг айрим ҳолатларига қуйидагилар киради: 1) APOA2 (с.2265Т>С) варианты ва тўйинган ёғ кислоталарини истеъмол қилиш ҳамда тана массаси индекси (Jiang Q, et al. 2008); 2) MTHFR вариантлари ва гомоцистеин даражалари ўртасидаги корреляция (Jiang-Hua Q, et al. 2014).

Озиқ-овқат маҳсулотларининг индивидуал нисбатларини танлаш, шунингдек, уларнинг касалликлар билан патологик боғлиқ бўлган TCF7L2, FABP2, PPRAG, ADRB2, LCT ва HLA гаплотип генларининг полиморфик локусларини генетик таҳлил қилиш натижаларига асосланади (Janani S. et al. 2015; Vodhini D, et al. 2017; Tan P.Y., et al. 2020)

Ҳозирги вақтда генетик таҳлил қилиш имкониятлари овқатланишнинг айрим таркибий қисмларига индивидуал реакцияни аниқлашга ва парҳезда баъзи моддалар мувозанатининг бузилиши ёки кўтара олмаслик билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга имкон беради. Генетик таҳлил натижаларига асосланиб, кейинчалик касалликнинг генетик хавф омилларини аниқлаш орқали, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича индивидуал тавсиялар билан шахсий мослаштирилган овқатланиш терапияси усулларида фойдаланиш мумкин бўлади. Бу касалликлар ривожланишининг олдини олиш ва уларни янада самарали даволашга ёрдам беришга имкон беради, деб ҳисобланади (Lagoumintzis G. et al. 2023).

Ўзбекистонда юқори малакали спортчиларнинг овқатланишини ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, адекват машғулотларни ташкил этиш бўйича бир нечта тадқиқотлар ўтказилган (Г.И.Шайхова, 2020; А.С.Худойберганов, 2021; Н.Ж.Эрматов, 2023). Ҳозирги вақтда генетиканинг спортчиларнинг турли спорт турлари бўйича шуғулланишига (натижасига) таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Д.Э.Махмудов, 2023). Ўтказилган тадқиқотларга кўра, спортчининг овқатланишини ташкил этишга индивидуал ёндашув ушбу усулнинг самардорлигини кўрсатади (Халилов А. М., 2018).

Бироқ, адабиётларда юқори малакали спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини ўрганиш ва баҳолашнинг генетик усуллари бўйича маълумотлар йўқ. Шу билан бирга, генлар ва парҳез ўртасидаги муносабатни яхшироқ тушуниш овқатланиш, соғлиқ ва спорт имкониятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш учун калит бўлиб, алоҳида спортчилар ёки генетик кичик гуруҳларга мослаштирилган овқатланиш бўйича аниқ таклифларни кўриб чиқишга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш

учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси дорасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади спортчиларни тайёрлаш босқичи, энергия сарфи ва озиқ-овқат истеъмолига генетик йўналишини ҳисобга олган ҳолда ўқув-машғулот йиғинлари шароитида академик эшкак эшиш спорти билан шуғулланувчи спортчиларнинг овқатланишини ташкил этишга индивидуал ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик эшкак эшувчиларнинг тасдиқланган менюсини энергия сарфи, нутригеномика ва тайёргарлик босқичи нуқтаи назаридан баҳолаш;

академик эшкак эшувчиларда нисбий энергия танқислиги синдроми (RED-s) ривожланиш хавфини маълум овқатланиш турларига генетик мойилликка қараб баҳолаш;

оддий калорияли парҳез фониди тана вазни кўрсаткичлари ва овқатланишнинг айрим турларига генетик мойиллик ўртасидаги узвий боғлиқларни аниқлаш;

академик эшкак эшувчиларнинг генетик мойиллиги, энергия сарфи ва тайёргарлик босқичига қараб индивидуал овқатланишини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 60 нафар эркак спортчи, жумладан, 44 нафар академик эшкак эшиш бўйича юқори малакали спортчилар (СУН, СУ, ХТСУ), Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси аъзолари ҳамда 16 нафар чидамлилиқни ривожлантираётган ҳаваскор спортчилар (Crossfit) олинган. Тадқиқот 2019-2021 йиллар давомида мусобақадан олдинги ўқув-машғулот йиғинлари шароитида ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларни овқатлантириш тизими, антропометрик маълумотлар, ўқув машғулотларининг энергия сарфини баҳолаш учун материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертацияда тиббий-биологик, физиологик, генетик ва статистик таҳлил усуллари, шунингдек озиқ-овқат рационларини ишлаб чиқиш ва уларни анкеталаш усули каби синаш усулларидан фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўқув-машғулот йиғинларида нисбий энергия танқислиги синдромининг ривожланиш хавфи асосий тайёргарлик даврининг ўрталари ва охирида тайёрлаш босқичи ва энергия сарфига қараб менюни коррекциялаш иши олиб борилмаганлиги туфайли оғир вазнли спортчиларда юқори бўлганлиги аниқланган;

илк бор калория миқдори етарли ва макронутриент таркиби мувозанатли диетада генетик жиҳатдан юқори ёғли овқатланишга мойил бўлган академик эшкак эшувчиларда тана ёғсиз массасига нисбатан ёғ массасининг кўпроқ бўлиши аниқланган;

юқори ҳажмли паст интенсивдаги юкламалар тайёргарликнинг асосий босқичида базал метаболизм тезлигини оширганлиги туфайли интенсив

тайёргарлик даврида уни пасайишига олиб келиши ҳамда машғулотлар натижаларига таъсир этиши исботланган;

илк бор юқори углеводли диетага мойил бўлган академик эшкак эшувчилар макронутриентлар бўйича мувозанатли диета қабул қилганда, генетик жихатдан юқори ёғли диетага мойил бўлган академик эшкак эшувчиларга нисбатан тана массасини камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўқув-машғулот йиғинлари давомида кунлик калория миқдори ўзгариб турадиган турли хил овқатланиш турларига генетик мойиллиги бўлган академик эшкак эшувчиларнинг овқатланишини индивидуал равишда тузатиш бўйича тавсиялар тўплами ишлаб чиқилган.

Нисбий энергия танқислиги синдроми (RED-s) ривожланиш хавфини баҳолаш учун мобил илова ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, антропрометрик, клиник, физиологик, физиоетрик, генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида академик эшкак эшувчиларнинг овқатланишини ташкиллаштиришга индивидуаллаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишни халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

PPARG2, FABP2 ва ADRB2 генларининг полиморфизмини аниқлаш асосида макронутриентлар нисбати бўйича турли хил овқатланиш турларига генетик мойилликни аниқлаш академик эшкак эшувчиларнинг овқатланиш рационини индивидуаллаштиришга имкон бериши, келажакда, спортчининг генотипини ҳисобга олган ҳолда овқатланишни индивидуаллаштириш мураббийларга спортчининг куч ёки тезлик қобилиятига нисбатан ресурсларидан максимал ва табақалаштирилган ҳолда фойдаланиш учун керакли ўқув режимларини шакллантирилиши билан изоҳланади.

Макронутриентлар нисбати, индивидуал энергия сарфи ва овқатланиш бўйича талаблар бўйича генетик мувофиқликни ҳисобга олган ҳолда, мусобақадан олдинги машғулотлардаги машаққатли иш пайтида академик эшкак эшувчиларни овқатлантириш уларнинг куч, тезлик ва қувват сифатларини, машқ қилиш даражасини оширади. Бу эса, умуман олганда, мусобақаларда юқори спорт кўрсаткичларига эришиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 6 феврал 3-сон ҳулосасига кўра (илмий янгиликлар Ўзбекистон баскетбол федерациясига жорий қилинганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 15 декабр 2020 йилдаги 02-07-08-3582-сонли ҳулосаси):

Биринчи илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор ўқув-машғулот йиғинларида нисбий энергия танқислиги синдромининг ривожланиш хавфи

асосий тайёргарлик даврининг ўрталари ва охирида тайёрлаш босқичи ва энергия сарфига қараб менюни коррекциялаш иши олиб борилмаганлиги туфайли оғир вазнли спортчиларда юқори бўлганлиги аниқланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Тайёргарлик босқичига қараб, мусобақадан олдинги макроциклда академик эшкак эшувчиларнинг энергия истеъмоли кунига 3095 ккалдан ошади ва асосий машғулот босқичининг охирида кунига 4456 ккалгача етади. Шундан сўнг интенсивликнинг ошиши ва машғулотларнинг ҳажми тайёргарлик даври охирига қадар кунига 3539 ккалгача пасаяди. Нисбий энергия танқислиги синдромининг ривожланиш хавфини камайтириш учун менюнинг калория таркиби дам олиш пайтида асосий метаболизм тезлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши ва тақиладиган электроника ёрдамида энергия сарфини кузатиш керак. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон баскетбол федерациясининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 02-07-08-3582-сон хулосаси) ва Тошкент шаҳар 2-сонли ўсмирлар спорт мактаби (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/49-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқот натижаларини янада кенгроқ татбиқ этиш эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича натижаларини яхшилашга таъсир қилади, шунингдек, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустақкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Комбинацияланган усул ёрдамида энергия сарфини мониторинг қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш “Харажат-фойда таҳлили (ХФТ)” усули ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоблашда спортчиларнинг энергия сарфини кузатиш натижасида олинган харажатлар ва иқтисодий фойда нисбати ҳисоблаб чиқилган, шунингдек, спортчиларнинг тайёргарлик даражаси ва босқичи ҳисобга олинган. (Б1-Б2), бу ерда: Б1 ва Б2 энергия сарфини кузатишнинг комбинацияланган усулидан фойдаланишнинг афзалликлари; Бухгалтерия дафтарлари: Б1 – бир кунлик энергия сарфини билвосита калорияметр бўйича назорат қилиш нархи 190 000 сўм (тинч ҳолатда моддалар алмашинувини ўлчаш 140000 сўм, билвосита калориметрия усули ёрдамида жисмоний фаолият давомида энергия сарфини ўлчаш 50000 сўм); Б2 – бир кунлик энергия сарфини назорат қилишнинг комбинацияланган усули нархи 157 000 сўм (тинч ҳолатда моддалар алмашинувини ўлчаш 140000 сўм, тақиладиган электроника ёрдамида жисмоний фаолият давомида энергия сарфини ўлчаш 50000 сўм), бинобарин $190\ 000 - 157\ 000 = 33\ 000$ сўм. **Хулоса:** Мальков Антоний Владимировичнинг «Разработка индивидуальных режимов питания спортсменов» мавзуси бўйича ишланмаси Ўзбекистон баскетбол федерацияси ва Тошкент шаҳар 2-сонли БЎСМнинг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари амалиётга киритилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/49-сонли маълумотномаси). Бинобарин, билвосита калориметрия усулининг

нархи энергия сарфини назорат қилишнинг комбинацияланган усули нархидан 33000 сўмга ошади.

Иккинчи илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор калория миқдори етарли ва макронутриент таркиби мувозанатли диетада генетик жиҳатдан юқори ёғли овқатланишга мойил бўлган академик эшкак эшувчиларда озғин тана массасига нисбатан ёғ массасининг кўпроқ бўлиши аниқланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** юқори углеводли диетага мойил бўлган спортчилар, етарли калорияли, мувозанатли диетада ёғсиз тана массасини яхшилайти. Шу билан бирга, ёғ массаси кўпаймайди, ҳатто камаймайди ҳам. Аммо танқис диетада, бу спортчилар ёғли ва мувозанатли овқатланишга мойил бўлган спортчиларга қараганда, ёғсиз тана массасининг кўпроқ йўқотишини кўрсатади. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон баскетбол федерациясининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 02-07-08-3582-сон хулосаси) ва Тошкент шаҳар 2-сонли ўсмирлар спорт мактаби (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/49-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқот натижаларини янада кенгроқ татбиқ этиш эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича натижаларини яхшилашга таъсир қилади, шунингдек, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тиббий харажатларни, тиббий ёрдам ва реабилитацияни камайтиришдан иборат. Эшкак эшувчилар учун янги парҳезни жорий этишни ҳисоблаш: $E = (C_m * N) + (C_t * P) + (C_r * T) - C_i$, бунда C_m - 370.000 – битта тиббий кўрикнинг ўртача нархи, N = янги рацион туфайли иккита олди олинган тиббий кўриklar сони; C_t = 400,000 – янги рацион томонидан олди олинган шикастланишнинг ўртача нархи; P = 4 - янги парҳез туфайли олди олинган жароҳатлар сони; C_r = 480000 - жароҳатлардан кейин реабилитациянинг ўртача қиймати; T = 3 - янги рацион туфайли олди олинган реабилитациялар сони; C_i = 560 000 - янги рационни жорий этиш қиймати). Энди бу қийматларни формулага қўйганимизда: $E = (370.000 * 2) + (400.000 * 4) + (480.000 * 3) - 560.000 = 2.820.000$ сўм. **Хулоса:** Шундай қилиб, эшкак эшувчилар учун янги парҳезни жорий этишдан умумий иқтисодий фойда ҳар бир спортчига бир машғулот цикли (12 ҳафта) учун 2 820 000 сўмни ташкил этади. Бу ҳам ижобий кўрсаткич бўлиб, у тиббий ва реабилитация харажатларининг кутилаётган қисқариши ҳисобига янги парҳезни жорий этишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. **Учинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** юқори ҳажмли паст интенсивдаги юкламалар тайёргарликнинг асосий босқичида базал метаболизм тезлигини оширганлиги туфайли интенсив тайёргарлик даврида уни пасайишига олиб келиши ҳамда машғулотлар натижаларига таъсир этиши исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Тинч ҳолатдаги базал метаболизм умумий энергия сарфининг 60-80% ни ташкил қилади. Мусобақа олди макроциклда академик

эшкак эшувчиларнинг базал метаболизми асосий машғулот даврида кунига 2221 ккалдан 2426 ккалгача ошади, сўнгра интенсив машғулот даврининг охирига келиб аста-секин 2249 ккалгача камаяди, индивидуал менюни тузишда буни ҳисобга олиш керак. Назорат гуруҳида кунига бир килограмм тана вазни учун 35 ккал эркин энергияни ҳисобга олган ҳолда рационни ҳисоблашда энергия танқислиги кузатилмади. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон баскетбол федерациясининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 02-07-08-3582-сон хулосаси) ва Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/49-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқот натижаларини янада кенгроқ татбиқ этиш эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича натижаларни яхшилашга таъсир қилади, шунингдек, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Спорт натижаларини оширишда иқтисодий фойдани ҳисоблаш: $E_p = (R_w * P_w) + (R_s * P_s) + (S * M) - C_i$, бунда (E_p) - маҳсулдорликни оширишдан олинган умумий иқтисодий фойда, (R_w) - мусобақаларда қўлга киритилган ғолибликдан олинган ўртача даромад: 370 000; (P_w) - янги рацион туфайли ҳосилдорликнинг ошиши туфайли ғалабалар сони: 6; (R_s) - яхшиланган натижалар туфайли олинган ҳомийлик шартномалари бўйича ўртача даромад: 450 000; (P_s) - самарадорликни ошириш билан боғлиқ ҳомийлик шартномалари сонининг кўпайиши: 2; (C) - яхшиланган спорт натижалари туфайли томошабинлар ёки обуначилар сонининг кўпайиши: 10 000; (M) - бир томошабин ёки обуначининг ўртача даромади (чипталар, товарлар, обуналар ва бошқаларни сотишни ўз ичига олади): 50; (C_i) - янги парҳезни жорий этиш қиймати (шу жумладан, ишлаб чиқиш, тадқиқот, ўқитиш ва тарқатиш): 560 000 сўм. Энди бу қийматларни формулага қўйганимизда: $E_g = 1(136800 - 124000) + (370000 \cdot (6 - 4)) + (450000 \cdot (2 - 1)) - 560000 = 2,500,000$ сўмни ташкил қилди. **Хулоса:** Ғалабалардан олинган даромад каби спорт кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ асосий иқтисодий жиҳатларга кўра, ҳомийлик шартномалари янги парҳезни жорий этишнинг умумий иқтисодий фойдасини баҳолашга имкон беради. Шундай қилиб, янги парҳезни жорий этиш билан боғлиқ ўсиш кўрсаткичларидан жами иқтисодий фойда ҳар бир спортчига бир машғулот цикли (12 ҳафта) учун 2 500 000 сўмни ташкил этади. **Тўртинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** илк бор юқори углеводли диетага мойил бўлган академик эшкак эшувчилар макронутриентлар бўйича мувозонатли диета қабул қилса, генетик жиҳатдан юқори ёғли диетага мойил бўлган академик эшкак эшувчиларга нисбатан тана массасини камайиши аниқланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** калория етишмаслиги ва макронутриент таркиби бўйича мувозонатли рацион билан тананинг реакцияси юқори углеводли

диетага мойилликни аниқлаш имконини беради. Юқори углеводли диетага мойил бўлган бундай академик эшкак эшувчилар кам углеводли ва мувозанатли диетага мойил бўлган академик эшкак эшишчиларга қараганда кўпроқ тана вазнини йўқотадилар. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Олинган илмий натижалар Ўзбекистон Баскетбол федерациясининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари амалиётга жорий этилган бўлиб, улар бўйича тегишли амалга ошириш актлари (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2008 йил 2010-сонли хулосаси) 2020 йил 15 декабрдаги 02-07-08-3582-сон) ва Тошкент шаҳар 2-сонли ўсмирлар спорт мактаби (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/49-сонли гувоҳномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқот натижаларини янада кенгроқ татбиқ этиш эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича натижаларини яхшилашга таъсир қилади, шунингдек, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Ҳар бир машғулот цикли даврида спортчига тўғри келадиган асосий рационга нисбатан генетик мойиллик рационининг иқтисодий фойдасини ҳисоблаш: $E_g = (B_d - C_g) * N + (R_w * (P_w^g - P_w^b)) + (R_s * (P_s^g - P_s^b)) - C_i$, бунда: B_d - бир спортчи учун асосий овқатланишнинг ўртача нархи: 136800; C_g - ҳар бир спортчига генетик жиҳатдан асосланган диетанинг ўртача нархи: 124000; (N)- спортчилар сони: йилига битта спортчи ҳисобида; (R_w) - мусобақаларда қўлга киритилган ғолибликдан ўртача даромад: 370 000; (P_w^g) - генетик мойилликка эга бўлган диетага риоя қилган спортчиларнинг ғалабалари сони: 6; (P_w^b)- асосий рационга риоя қилган спортчиларнинг ғалабалари сони: 4; (R_s)- ҳомийлик шартномалари бўйича ўртача даромад: 450 000; (P_s^g) - генетик мойиллиги бўлган рационга риоя қилган ҳолда спортчилар томонидан олинган ҳомийлик сони: 2; (P_s^b) — базавий рационга риоя қилган ҳолда спортчилар томонидан олинган ҳомийлар сони: 1; (C_i) — янги парҳезни жорий этиш қиймати (шу жумладан, ишлаб чиқиш, тадқиқот, ўқитиш ва тарқатиш): 560 000; Энди бу қийматларни формулага қўйганимизда: $E_g = \{(136800 - 124000)\} / \{1\} + (370000 * (6 - 4)) + (450000 * (2 - 1)) - 560000 = 642800$ сўмни ташкил қилди. **Хулоса:** Шундай қилиб, генетик мойиллик диетасини жорий этишнинг умумий иқтисодий фойдаси ҳар бир спортчи учун бир машғулот циклига (12 ҳафта) 642,800 сўмни ташкил қилади.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та мақола маҳаллий журналларда, 1 та мақола хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, жами 100 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши ва нашр этилиши, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Циклик спорт турларида овқатланиш бўйича замонавий тавсиялар**» деб номланган биринчи боби бешта кичик бобдан иборат бўлиб, унда адабиётлар шарҳи, хусусан, одамларнинг маълум турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга мойиллигини генетик текшириш масалалари, циклик спорт турларида спортчиларнинг энергия сарфи ва овқатланишини стандартлаштириш жиҳатлари, спортчиларнинг энергия сарфини ўлчаш учун мавжуд ҳисоблаш формулалари ва усулларида фойдаланишнинг камчиликлари ва афзалликлари, кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар атрофлича муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби спортчиларнинг алоҳида гуруҳларини тавсифлашга, шунингдек қўлланган тадқиқот усулларига бағишланган.

Истиқболли тадқиқот 60 нафар эркак спортчилар билан ўтказилди. Асосий гуруҳнинг 44 нафари академик эшкак эшиш бўйича юқори малакали спортчилар, хусусан, спорт усталигига номзодлар (СУН), спорт усталари (СУ), халқаро тоифадаги спорт усталари (ХТСУ) – Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси аъзолари ҳисобланишади. Тадқиқотда иштирок этганларнинг ёши 17 ёшдан 26 ёшгача, ўртача ёш эса 20,4 ни ташкил этди. Назорат гуруҳи 16 нафар профессионал спортчилар (Pro) ва илғор ҳаваскор спортчилар (Rx) тоифасига кирувчи чидамлиликни ривожлантираётган ҳаваскор спортчилар (Crossfit)дан иборат бўлди. Назорат гуруҳи иштирокчиларининг ёши 18 ёшдан 31 ёшгача, ўртача ёши эса 23,3 ташкил этди.

Генетик тест натижаларига кўра, тизимли овқатланишда бўлган асосий гуруҳ спортчилари 3 гуруҳга бўлинди:

1. Мувозанатли овқатланиш (МО) гуруҳи; генетик таҳлил натижаларига кўра, PPARC генининг C/C полиморфизми, FABP2 генининг G/G полиморфизми ва ADRB2 генининг C/C полиморфизми мувозанатли овқатланишга мойил бўлган генлар деб топилиб, мазкур генлар полиморфизмлари 10 нафар спортчида борлиги аниқланди;

2. Юқори углеводли, кам ёғли (ЮУ) гуруҳи; генетик таҳлил натижаларига кўра, PPARC генининг C/C полиморфизми, FABP2 генининг A/G ёки A/A полиморфизмлари ҳар қандай ADRB2 генотиби билан биргаликда юқори углеводли кам ёғли парҳезга мойил бўлган генлар сифатида топилган бўлиб,

мазкур генлар полиморфизмлари 16 нафар спортчида борлиги аниқланди;

3. Юқори ёғли, кам углеводли (ЮЁ) гуруҳи 19 нафар спортчини ўз ичига олиб, улар генетик таҳлил натижаларига кўра (юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари генотипларни бирлаштиришнинг барча бошқа вариантлари) кам углеводли юқори ёғли парҳезга мойил шахсларни ташкил этиши аниқланди.

Тавсия этилган макронутриент нисбатлари қуйидаги генетик мойилликка асосланган:

- а) мувозанатли овқатланиш (15% оқсил, 30% ёғлар, 55% углеводлар);
- б) кам ёғли овқатланиш (15% оқсил, 20% ёғлар, 65% углеводлар);
- в) кам углеводли овқатланиш (15% оқсил, 40% ёғлар, 45% углеводлар).

Тайёргарлик цикли давомида нафас олиш коэффициентини (НОК) билан баҳоланган энергия балансига қараб, гуруҳлар қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинди: н-норма, бутун тайёргарлик даврида НОК нинг 0,8 дан паст пасайиши ҳолати кузатилмади; Д-дефицит, тайёргарлик пайтида нафас олиш коэффициентининг пасайиши 0,8 дан пасайиши ҳолати ҳеч бўлмаганда бир марта кузатилди;

Якуний гуруҳларга бўлиниш қуйидаги жадвалга кўра амалга оширилди:

1-жадвал

Спортчиларни гуруҳларга бўйича тақсимланиши (n=60)

Энергетик мувозанат	МО (n=10)	ЮУ (n=16)	ЮЁ (n=19)	Назорат (n=16)
н	n=6	n=8	n=15	n=16
д	n=4	n=8	n=5	-

Асосий гуруҳдаги спортчилар (n=44) ташкилий овқатланишда едилар. ЎМЙ пайтида спортчилар диетолог томонидан олдиндан ишлаб чиқилган меню асосида овқатланиш билан таъминланди. Менюнинг калория таркиби 4200-4400 ккал ташкил этди. Меню бўйича оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг улуши 15/30/55 бўлиб, бу мувозанатли овқатланиш тамойилларига мос келади. Менюга кўра, овқатланиш нонушта, тушлик, кечки овқатга бўлинган. Ошхонада овқатланишдан ташқари, спортчилар базанинг ошхонасидан ташқарида овқатланиш имкониятига эга бўлишди, бу ҳам озиқ-овқат кундалигига киритилиб борилди.

Назорат гуруҳи спортчилари (n = 16) эркин овқатланишди. Спортчилар очлик пайтида тўйгунча, мавжуд овқатдан хоҳлаган нарсаларини ейишди. Бунда қуйидаги икки шартга риоя қилиш мажбурий этиб белгиланди:

1. Ҳисобланган калория парҳезига риоя қилиш, яъни:

$$((35 * \text{тана массаси}) + \text{олдинги кундаги жисмоний машқлар пайтида сарф қилинган калория}) * 1,1$$

Бу ерда, 35 - RED-S ривожланиш хавфининг ўртача даражасини сақлаб қолиш учун зарур бўлган мавжуд энергия калорияси, 1,1 – мувозанатли овқатланиш шарти билан озиқ-овқатнинг термогенетик таъсири. Агар спортчи керакли кунлик калория миқдорини олмаган бўлса, унда етишмаётган калория

миқдори кейинги овқатланишга ўтказилди.

2. Оқсил, ёғ ва углеводларнинг процентли нисбати (15/30/55)га риоя қилиш.

Дам олиш пайтида базал метаболизмни ва жисмоний машқлар пайтида энергия сарфини баҳолаш ҳамда анаэроб ва аэроб чегаранинг максимал кислород истеъмолини (МКИ) аниқлаш учун босқичли юкламали синовни ўтказишда Metalyzer 3B (Cortex, АҚШ) стационар газ анализатори ва FitMate Pro (COSMED, Италия) портатив газ анализаторидан фойдаланилди.

Жисмоний машқлар пайтида энергия сарфини мониторинг қилиш Garmin фирмасининг Forerunner моделидаги смарт соатлари ёрдамида амалга оширилди. Смарт соатдан олинган маълумотлар автоматик режимда сақланиб, танланган давр учун ўртача маълумотлар ҳисобга олинди.

Асосий гуруҳни кузатиш (n =44) 2019 йил июлдан 2021 йил сентябргача Туябўғиз сув омборидаги “Тошкент денгизи” (“Ташмор”) ўқув-машғулот йиғинлари базасида академик эшкак эшувчиларнинг терма жамоаси машғулот фаолияти жараёнида олиб борилди.

Асосий модда алмашинуви, энергия захирасининг ҳажми (ЭЗХ), КД ва кунлик энергия сарфини ўлчаш асосий тайёргарлик босқичининг бошида, ўртасида ва охирида, шунингдек кейинги босқичларда ҳар ҳафта амалга оширилди.

Назорат гуруҳини кузатиш (n=16) 2021 йил сентябридан 2022 йил ноябригача амалга оширилди. Спортчиларнинг машғулотлари куч, чидамлилиқ ва гимнастикани ўз ичига олган. Спортчилар ҳафтасига 8,5-10 соат машқ қилишди. Кузатув даврида юкламаларнинг ҳажми ва интенсивлиги ўзгармади. Ҳар бир спортчи 8 ҳафта давомида кузатилган. Синов босқичлари асосий гуруҳдаги синов босқичларига тўғри келди (2-жадвал).

2-жадвал

Мусобақа олди тайёргарлик машғулотлар босқичларининг хусусиятлари

Асосий тайёргарлик даври	Ривожлантирувчи тайёргарлик даври	Жадал тайёргарлик даври	Тикловчи тайёргарлик даври
2-3 зонада асосий иш. Мақсад-максимал ўқув ҳажмини танлаш.	Пано иши кўшилган ҳолда 2-3 зонада асосий иш (вақтнинг 80%). Мақсад спортчини жадал ишга тайёрлаш.	2-3 зонада ишлаш ҳажмининг 40-50% ини ташкил қилади. ПАНОда асосий иш, МКСнинг 120% да куч учун интервалли машғулотлар. Мақсад-тезлик хусусиятларини ва МКСни ошириш.	2-3 зонада ишлаш. Мақсад-суперкомпенсация.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Statistica 10.0» амалий дастурларининг статистик тўпламидан фойдаланган ҳолда вариацион статистика усули билан амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Антропометрик кўрсаткичларни нутригеномика ва энергия баланси нуқтаи назаридан баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида овқатланишда дефицит бўлмаган (МОН, ЮУН, ЮЁН) ва овқатланиш етишмовчилиги бўлган гуруҳларда (МОД, ЮУ, ЮЁД) асосий антропометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши натижалари (вазн, тана вазни ва ёғ массаси) оид тадқиқотлар баён қилинган. Тайёргарлик босқичига қараб кўрсаткичлар таҳлили ўтказилди.

3-жадвал

Умумий гуруҳдаги (n=60) спортчиларнинг гуруҳларга қўшилишига қараб бўй ўзгариши (см), (p=0,05)

Гуруҳ	М	М	t	P
МОН	190,5	4,37	0,0074	0,9943
МОД	192,5	9,11		
ЮЁН	180,9	4,95	0,0338	0,9734
ЮЁД	189,8	4,02		
ЮУН	182	6,41	0,0229	0,982
ЮУД	188	3,5		
Назорат	179	6,96		

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, гуруҳларда ўртача бўй фарк қилади. Асосий гуруҳда салбий энергия баланси (МОД, ЮУД, ЮЁД)га эга бўлган спортчилар бўйи нормал энергия баланси (МОН, ЮУН, ЮЁН, назорат)га эга бўлган гуруҳдаги спортчилар бўйига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди.


4-жадвал

Умумий гуруҳдаги (n=60) спортчиларнинг гуруҳларга қўшилишига қараб вазни (кг), (p=0.05)

Гуруҳ	М	m	t	P
МОН	78,85	2,95	0,1164	0,9102
МОД	89,5	12,76		
ЮЁН	74,86	6,14	0,1164	0,9102
ЮЁД	85,18	6,64		
ЮУН	72,80	6,01	0,1256	0,9015
ЮУД	87,05	6,26		
Назорат	82,07	8,6		

Тақдим этилган маълумотларга кўра, салбий энергия баланси (д) бўлган гуруҳларда спортчиларнинг вазни нормал энергия баланси (н) бўлган гуруҳларга қараганда анча юқори.

Спортчиларда вазн динамикаси энергия баланси ҳолатига қараб фарк қилади. Жадваллардан кўриниб турибдики, МОД, ЮУД, ЮЁД гуруҳларида асосий вазн йўқотиш тайёргарликнинг биринчи ярмида кузатилади, тайёргарликнинг иккинчи ярмида эса вазн йўқотиш тўхтайтиди. МОН, ЮУН, ЮЁН гуруҳларида асосий тайёргарлик давридаги вазн барқарор бўлиб, макроциклнинг иккинчи ярмида унинг аста-секин ўсиши кузатилди. Назорат гуруҳида саккиз ҳафта давомида юқорида тавсифланган тенденциялар кузатилмади.



1-расм. Тайёргарлик босқичига қараб спортчилар гуруҳларида ўртача вазн ўзгариши динамикаси (n=60).

Озғин тана вазнининг ўзгариши ҳар хил бўлиб, у энергия баланси ҳолатига ва спортчиларнинг генетик жиҳатдан мойиллигига боғлиқ бўлди (5-жадвал).

5-жадвал

Кузатув натижаларига кўра озғин тана вазнининг (кг) ўзгариши (n=60)

Гуруҳ:	МОН	ЮЁН	ЮУН	Назорат	МОД	ЮЁД	ЮУД
М	1,2	0,94	2,4	1,1	-1,0	-1,7	-2,1
М	3,0	1,2	0,9	1,5	1,4	0,7	2,2

Тана вазнининг энг катта ўсиши ЮУН гуруҳида кузатилди (2,4 кг, 3,51%). МОН (1,2 кг, 1,65%), ЮЁН (1,0 кг, 1,4%) ва назорат (1,1 кг, 1,5%) гуруҳларида нисбатан бир хил ўсиш кузатилди. Салбий энергия баланси бўлган гуруҳларда озғин тана вазнининг пасайиши кузатилди. Тана вазнининг энг катта

пасайиши МОД гуруҳида қайд этилди (-2,1 кг, 2,5%). ЮЁД гуруҳида озғин масса 1,7 кг (2,1%)га камайди. Тана вазнининг энг кўп пасайиши МОД гуруҳида қайд этилди – 1 кг (1,2%).

Тана ёғидаги ўзгаришлар ҳам турлича бўлиб, у энергия баланси ҳолатига ва спортчиларнинг генетик мойиллигига боғлиқ бўлди (6-жадвал).

6-жадвал

Кузатув натижаларига кўра ёғ массасининг ўзгариши (кг), (n=60)

Гуруҳ:	МОН	ЮЁН	ЮУН	Назорат	МОД	ЮЁД	ЮУД
М	0,63	1,8	-1,4	-0,7	-1,43	-0,44	0,7
м	2,0	0,5	1,5	0,5	0,2	0,7	2,0

Тақдим этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, нормал энергия баланси бўлган гуруҳларда ёғ массасининг ўзгариши турлича бўлди. Ёғ массасининг энг катта ўсиши ЮЁН гуруҳида қайд этилди (1,8 кг, 47%). МОН гуруҳида ёғ массасининг ўсиши 0,63 кг (20,9%)ни ташкил этди. ЮУН ва назорат гуруҳларида нормал энергия баланси фонида ёғ массасининг пасайиши кузатилди (-1,4 кг, -31,4%; -0,7 кг, -9,9%). Салбий энергия баланси бўлган гуруҳларда МОД ва ЮЁД гуруҳида ёғ массасининг 1,4 кг (21%) ва 0,4 кг (7,5%)га камайиши кузатилди. МОН гуруҳида эса ёғ массасининг 0,63 кг (7,6%) га ошиши кузатилди.

«Нутригеномика, энергия сарфини ва RED-s ривожланиш хавфини баҳолаш нуктаи назаридан спортчиларнинг ҳақиқий овқатланишини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бўлимда нутригеномик тадқиқотлар ва энергия сарфини мониторинг қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши микронутриент таркибини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.


МОН гуруҳи бутун тайёргарлик даврида етарли калорияли овқатланишга эга бўлишди. Бу, биринчи навбатда, ўртача калория профицити 17,5% (қунига 578 ккал) бўлганлиги билан исботланади. Тайёргарликнинг иккинчи ярмида калория профицити юқори бўлиб, қунига ўртача 698,2 ккални ташкил этди. МОН гуруҳидаги калория профицити, шунингдек, ушбу гуруҳдаги спортчиларда RED-s ривожланиш хавфи юқори эмаслиги, шунингдек, метаболография маълумотларига кўра, КД бутун тайёргарлик давомида 0,8 дан юқори бўлганлиги билан тасдиқланади. Ушбу гуруҳдаги спортчиларда ортиқча овқатланиш фонида макронутриентлар профицити қайд этилди: МОН гуруҳидаги оқсил профицити қунига 28,4 г ни ташкил этган бўлса, мазкур гуруҳдаги ёғларнинг профицити қунига 5,2 г ни ташкил этди, Сабаби, АДД ўртаси ва охирида ёғ етишмовчилиги (қунига 10 г)ни ташкил этди. МОН гуруҳидаги углеводларнинг ортиқча миқдори бутун тайёргарлик даврида кузатилиб, қунига 101,1 г ни ташкил этди.

МОД гуруҳидаги ҳақиқий овқатланишни баҳолашда асосий тайёргарлик даврининг ўрталарида ва охирида қунига 731 ккал (17,34%) танқислиги борлиги аниқланди. Метаболография маълумотларига кўра, ушбу гуруҳдаги спортчиларда тадқиқотнинг ўртасида (n=3) ва АДД охирида (n=34), шунингдек

РТ охирида (n=1) энергия етишмовчилиги аниқланди. Худди шу даврда кунига 12,5 г оқсил, 16,5 г ёғ ва 34 г углевод етишмовчилиги мавжудлигини кўрсатди. Тайёргарлик даврининг иккинчи ярмида МОД гуруҳида кунига 331 ккал (8,1%) калория профицити, ёки 20,1 г оқсил профицити кузатилди. Ёғ етишмовчилиги кунига 6,6 г ни, углеводлар профицити эса кунига 44,5 г ни ташкил қилди.

МОН ва МОД гуруҳларининг ўртача кунлик энергия сарфини таққослаганда, МОД гуруҳида ўртача кунлик энергия сарфи бутун тайёргарлик давомида 973,1 ккал/кун дан юқори бўлганлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотларни тасдиқлаш учун нафас олиш коэффициенти ёрдамида овқатланишнинг етарлилиги баҳоланди. Натижалар 2-расмда келтирилган.



2-расм. МО гуруҳидаги спортчиларда ҳақиқий озуқавий энергия етишмовчилигини аниқлаш (n=10).


Нафас олиш коэффициентини баҳолашда МО гуруҳидаги ортиқча овқатланиш спортчиларнинг ўртача 40,8 фоизида, ЮЁ гуруҳида 52,6 фоизида, ЮУ гуруҳида 48,2 фоизида ва назорат гуруҳида ўртача 33,9 фоизида аниқланганлигини кўриш мумкин.

ЮЁУ гуруҳида ҳам тайёргарлик давомида энергия профицити кузатилиб, бу кунига ўртача 702 ккални ташкил қилди. Ушбу гуруҳдаги 2 спортчининг калория профицити фониди RED-s ривожланиш хавфи аниқланди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳдаги спортчиларнинг НКси бўйича бутун тайёргарлик даври давомида 0,8 дан юқори бўлди, бу эса ҳақиқий калория танқислиги йўқлигини кўрсатади. ЮЁН гуруҳидаги оқсил профицити кунига 32,2 г ни ташкил этди. Шу гуруҳдаги ўртача ёғ етишмовчилиги эса кунига 27,1 г ни ташкил этди. Максимал ёғ етишмовчилиги РТ охирида содир бўлди ва кунига 62,1 г ни ташкил этди. Шу билан бирга, ЮЁН гуруҳида углеводларнинг профицити кузатилиб, бу кунига ўртача 200,1 г ни ташкил этди.

ЮЁД гуруҳидаги ҳақиқий овқатланишни баҳолашда асосий тайёргарлик даврининг ўрталарида ва охирида кунига 259 ккал (6,1%) калория танқислиги борлиги аниқланди. Метаболографияни баҳолашда спортчиларнинг ҳақиқий овқатланишида энергия танқислиги АТДнинг ўрталарида (5,3%, n=1) ва охирида (26,3%, n=5) кузатилди. АТД охирида эса 10,5 г/кун оксил етишмовчилиги мавжудлиги кузатилди. ЮЁД гуруҳидаги ўртача ёғ етишмовчилиги кунига 58,6 г ни ташкил этди. Максимал дефицит АТД охирида қайд этилиб, бу ЮЁН гуруҳида кунига 88,5 г ни ташкил этди. Тайёргарлик давомида углеводларнинг ҳам профицити кузатилиб, бу кунига ўртача 143,8 г ни ташкил этди.

ЮЁН ва ЮЁД гуруҳлари ўртасидаги ўртача энергия сарфини таққослашда ўртача кунлик энергия сарфи ўртача 705 ккал/кунга нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотларни тасдиқлаш учун нафас олиш коэффициенти ёрдамида овқатланишнинг етарлилиги баҳоланди. Натижалар 3-расмда келтирилган.



3-расм. ЮЁ гуруҳидаги спортчиларда ҳақиқий озуқавий энергиянинг етишмаслигини аниқлаш (n=19).


ЮУН гуруҳидаги ҳақиқий овқатланишни баҳолашда овқатланиш калория таркиби ва микроэлементлар таркибида ортиқча бўлганлиги аниқланди. Тайёргарлик цикли давомида ЮУН гуруҳидаги ўртача калория профицити 14,8% (кунига 488 ккал)ни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги спортчиларда RED-s ривожланиш хавфи юқори эмаслиги аниқланди. ҚДни баҳолаш уни бутун тайёргарлик давомида 0,8 дан юқори эканлигини кўрсатди. ЮУН гуруҳидаги оксил профицити кунига 24 г ни ташкил этган бўлса, мазкур гуруҳда ёғларнинг ўртача профицити кунига 37,1 г ни ташкил этди. Тайёргарликнинг биринчи ярмида ЮУН гуруҳида АТД ўртасида ва охирида углеводлар етишмовчилиги

кузатилиб, бу кунига ўртача 35,1 г ни ташкил этди. Тайёргарликнинг иккинчи ярмида кунига ўртача 24,5 г углевод профицити кузатилди.

